

Рисолаи Муҳаммадиядаги раҳматнинг сон ва сифат жиҳатидан қиймати



16:26 / 22.10.2022 1837

Бир нарсани тақдирлаш ва уни ўзига муносиб жойга қўйишнинг икки хил ўлчови бўлади.

Биринчиси – сон жиҳатидан ўлчов.

Иккинчиси – сифат жиҳатидан ўлчов.

Ушбу Қуръоний эълон мазкур икки ўлчовнинг икки томонини ҳам ўз ичига олган. Албатта, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг рисолатлари ва улуғ шахсиятлари, олиймақом ва

бардавом таълимотлари инсониятга янгича ҳаёт ва фаолият бахш этди.

Бу нарсалар инсониятнинг дарду аламларидан шифо топишига, муаммоларининг ҳал бўлишига, ғам-ғуссаларининг тугашига ва қақраб ётган майдонига раҳмат, барака, бахт, саодат, хайрот ва нажот ёмғирининг ёғишига бевосита сабаб бўлди. Ушбу бебаҳо Муҳаммадий атолар ўзининг кенглиги, кўплиги, ҳажми, сони, манфаати, фойдаси, жавҳари ва сифати жиҳатидан беназирдир.

«Раҳмат» сўзи кундалик ҳаётимизда кўп ишлатиладиган сўздир. Инсонга наф ва роҳат етказадиган ҳар бир нарсага раҳмат деса бўлади. Раҳматнинг турлари, навлари, даражалари ва мартабаларини санаб, адоғига етиб бўлмайди. Биримиз иссиқ кунда чанқаган биродаримизга сув тутамиз. Мусофир ва ғарибга йўл кўрсатамиз. Ёзнинг иссиқ кунда уни елпиб қўямиз. Она боласига меҳр кўрсатади. Ота фарзандига тарбия беради, илм ўргатади ва ҳаёт учун зарур нарсалар билан таъминлайди. Мударрис ўз шогирдларига дарс беради ва уларга ўзидаги илмларни тақдим этади. Очга таом бериш, меҳмонни зиёфат қилиш, яланғочга кийим бериш ҳам шунга ўхшашдир. Буларнинг барчаси умумий раҳматнинг кўринишларидан бир кўриниш, унинг алвон рангларида бир рангдир. Бу бизнинг тақдирлашимизга, ҳурматимизга ва ташаккуримизга лойиқдир.

Аммо раҳматнинг энг улкан кўринишларидан бири бизлардан бирортамизнинг ўз биродарини ўлим чангалидан қутқариб қолишидир. Бир бегуноҳ мурғак гўдакнинг жони чиқай

деб турганини кўрмоқдамиз. У ўзининг охирги нафасини олмоқда. Онаси унинг ёнида йиғлаб турибди. Унинг назарида дунё қоронғи. Жигаргўшаси, маҳбуби ва меҳрдийдасидан умиди узилган. Ота бўлса ўзини қўярга жой топа олмай типирчилайди. Бирор дам солувчи, далда берувчи топа олмай хуноб.

Шунда, худди осмондан фаришта тушгандек, ҳозиқ табиб пайдо бўлади ва: «Шошманг! Ташвишланишга ўрин йўқ, ноумид бўлманг!» дейди. Гўдакнинг оғзига табиб бир неча қатра дори томизиши билан у кўзини очиб, ҳаракатга тушади. Тасаввур қилинг-а, бу табибни Аллоҳ ушбу гўдакни қутқариш учун, уни ҳаётга қайтариш учун юборган раҳмат фариштаси деса бўлмайдимми?

Мана шу жойда аввал санаб ўтган раҳматларимизнинг барчаси чиппакка чиқади ва ушбу раҳматнинг ажойиб кўриниши олдида эриб кетади. Албатта, у фақат гўдаккагина эмас, балки унинг бутун оиласига раҳматдир.

Ҳассасига суяниб кетаётган кўзи ожиз кишининг чуқур ўранинг лабига ёки жар ёқасига бориб қолганини кўрамиз. Унинг келгуси қадами ўлим томон босиладиган қадам бўлиши мумкин. Шунда Аллоҳнинг бандаларидан бири тезлик билан бориб, уни чуқурга қулашдан сақлаб қолади. Уни раҳмат фариштаси десак бўлмайдимми?

Мана бу гўзал, ёш йигитни қаранг. Ота-онасининг кўз қорачиғи, фақир оиланинг боқувчиси тезоқар дарёга чўкмоқда. Сувдан чиқишга ҳаракат қилмоқда. Аммо иложи йўқ. Бир одам

Ўз ҳаётини хавф остига қўйиб, сувга сакради-да, уни нажот соҳилига олиб чиқди. Ҳалиги йигитнинг отаси ёки акалари уни бошларига кўтариб, меҳр ила қучоқларига босадилар. Умр бўйи унинг ўз оилаларига қилган яхшилигини унутмайдилар. Айтингчи, раҳматнинг аввалги кўринишлари ушбу улуғ ва қимматли раҳматга тенг кела оладими?

«Ислом тарихи» биринчи китоби асосида тайёрланди